



## ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ТОМОНИДАН СОДИР ЭТИЛАЁТГАН ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Қулдашев Абдумалик Устаевич

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14551786>

### ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 15-Dekabr 2024 yil

Ma'qullandi: 18- Dekabr 2024 yil

Nashr qilindi: 24- Dekabr 2024 yil

### KEY WORDS

мамлакатимизда ёш етук кадрларни билимли, сифатли, ўз касбига садоқатли этиб тайёрлаш ва уларни келажагимизнинг янада юқори марраларга олиб чиқадиган инсонлар этиб тарбиялаш асослари, жамоатчилик ҳамкорлиги ва назорат.

### ABSTRACT

Мазкур мақолада юртимизда вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг илмий таҳлили ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тушунчалари ва жамоатчилик вакиллари, тегишли идора масъулларини жалб этган ҳолда тизимли назорат тартибини белгилаш мақсадга мувофиқ деган фикр илгари сурилган.

Юртимизда бугунги кунда ўсиб келаётган ёш авлодни замон талаби асосида Янги Ўзбекистоннинг етук кадрлари сифатида тайёрлаш ва уларни келажагимизнинг янада юқори марраларга олиб чиқадиган инсонлари этиб тарбиялаш билан бир қаторда, уларни ҳулқини, одобини миллий анъаналарга мос ҳолда тарбиялаш ҳамда жиноят йўлига кириб қолишнинг барвақт олдини олиш ва турли иллатлар таъсирига тушиб қолишдан сақлаш мақсадида мамлакатимизда бир қатор ислохотлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, бу борада қуйидаги ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар, яъни: Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги ЎРҚ-263-сон “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги ЎРҚ-361-сонли «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Янги Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги (2022), «Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги (2019) фармонлари ҳамда «Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги (2019) қарори ва соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу мақола хизмат қилади.

Ушбу Қонун, Фармон ва Қарор талаблари асосида бир қатор ижобий ишлар амалга

оширилмоқда, бироқ Республика миқёсида олиб борилган чора-тадбирларга қарамай сўнгги йилларда ёшлар ва вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларнинг кўпайганлиги расмий маълумотларда қайд этиб келинмоқда.

Жумладан, вояга етмаганлар томонидан содир этилган ўғрилиқ, босқинчилик, қасддан баданга оғир шикаст етказиш, талончилик, қасддан одам ўлдириш, кибер жиноятчилик ва турли ҳимикатлар истеъмол қилиш оқибатида содир этганликлари учун жиноий жазога тортиладиган безорилик ҳолатларининг кўпайганлиги кузатилган.

Биз кўп ҳолларда тарбияси оғир, хулқи ёмон болалар муаммоси доимо тарбияси бузуқ катталар, хулқ-атвори нобоп, нопок ҳаёт кечирувчи нотинч оилалар масаласи билан боғлиқ деймиз. Тўғри, катталарнинг ахлоқи ва хатти-ҳаракатларига қараб бола тарбияланади. Аммо нега энди баъзи ўсмирлар дўст излаб спорт майдончаси ёки мактабдан ташқари муассасаларга, кутубхона ёки тўғаракларга бормай, кўчада санғишади? Иложи бўлса пул топиб, интернет, компьютер, видео салонларга ёки турли ҳимикатларни истеъмол қилишга ўз азиз вақтларини ва умрларини фойдасиз сарфлашга ҳаракат қиладилар.

Шунингдек, ўзи истаган ишини қилиб, хоҳлаган ўйинини ўйнайди, чет эл жангари ёки порнографик мазмундаги турли фильмларни томоша қилиш ва бошқа жирканч ўйинларни ўйнаш билан ўтказишади. Бу эса ўз навбатида, ёшларимизни келгусида етук инсон бўлиб ўсишларида тўсқинлик қилади.

Демак, кўча ўз “ахлоқсиз кодекси”га эга бўлиб, унда ёшларнинг тарбиясига салбий таъсирини ўтказиши билан бир қаторда ёш жиноятчининг “бошланғич” мактабига айланиши мумкин. Айнан, жиноят содир этган вояга етмаганлар ўртасида ўтказилган сўров анкеталарига кўра, уларнинг

18,6 фоизи асосий вақтларини видеобарларда фильмлар томоша қилиш, 12,3 фоизи қарта ёки қимор ўйнаш, 32,5 фоизи спиртли ичимликлар, наркотик моддалар истеъмол қилиш, 34,3 фоизи кўча ва бозорларда санғиш билан ўтказганлар .

Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларнинг аксарияти спиртли ичимликлар истеъмол қилинган ҳолда содир этилганлиги айниқса аянчли ҳолдир. Масалан, уларнинг юзага келиш жойи бўйича: 14,3 фоиз спиртли ичимликлар оилада, 5,4 фоизи мактабда ёки ишда, 46,8 фоизи дам олиш жойларида, 33,6 фоизи бошқа жойларда; ёш бўйича: 6,1 фоизи

11-13 ёшда, 10,1 фоизи – 14 ёшда, 22,2 фоизи –15 ёшда, 30,3 фоизи 17 ёшда истеъмол қилишларини кўрсатган.

Маълумки, спиртли ичимликлар истеъмол қилиш билан жиноят содир қилиш орасида ҳар доим ҳам узвий алоқа мавжуд. Алкоголизм ва жиноятчилик бир-бирини қўллаб-қувватлайдиган иллатдир.

Вояга етмаганларнинг жиноят йўлига кириб қолиш сабабларини ўрганиш бўйича ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра умумий ҳисобда, тахминан йигирма фоиз киши ота-она, ўн беш фоизи мактаб, ўн фоизи ички ишлар органлари, ўн беш фоизи эса телевиденияни айбдор, деб жавоб берганлар . Ваҳоланки, 71,7% ҳолларда вояга етмаганларнинг ота-оналари, дўстлари, 35,6% ҳолларда ўқитувчилар, 17,9 % ҳолларда маҳалла қўмиталари, 30,7% ҳолларда кўни-қўшнилари уларнинг ёмон ишлар билан шуғулланаётганликларини билганлар, аммо ушбу гуруҳдаги шахсларнинг фаолиятига таъсир қилиш, ташкилотчиларини аниқлаш ва уларга нисбатан қонуний чоралар

кўриш юзасидан ҳеч қандай иш олиб бормаганликлари оқибатида, аксарият вояга етмаганлар илгари судланган шахслар таъсирига тушиб қолганлар ва жиноят содир этишга мажбур бўлган ҳолатлари кузатилган.

Холбуки, вояга етмаганларнинг илгари судланган шахслар билан яқин муносабати мактаб ва ота-оналарнинг назоратини сусайтиради, ижтимоий фойдали алоқаларнинг йўқолишига олиб келади, маълумоти ва маданий даражасининг кўтарилишига халақит беради.

Амалиёт ходимлари билан ўтказилган дарс жараёнлари давомида сўралган вояга етмаганларнинг аксарияти уюшган гуруҳ таркибида муқаддам судланганлар бўлганлигини аниқланган. Бу борада вояга етмаганлар муқаддам судланган шахсларга ўзларини тенглаштираётганликлари аксариятлари, уларни кучли, лидер ёки бақувват деб билиб, улардан кўрқишликларини билдирганлар.

Юртимизда вояга етмаганлар жиноятчилигини олдини олиш бўйича кўплаб илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада дунёнинг барча давлатларидаги йилдан-йилга содир этилаётган жиноятчилик ҳолатлари олимларимиз томонидан ўрганилмоқда. Ушбу тадқиқотлар жараёнида, жиноятлар сони ошиб, содир этилган жиноятларнинг 30-40 % ни вояга етмаганлар томонидан содир этилаётганлиги кузатилмоқда ва илмий таҳлил қилинмоқда. Жумладан, Америка Қўшма Штатларида 32 %, Буюк Британияда 40 %, Германияда 38 %ни ташкил этмоқда. Марказий ва Шарқий Европа, Марказий Осиё минтақасида ҳар йили 5000 нафар вояга етмаганлар жазони ижро этиш муассасасига юборилмоқда. БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциясида (1989) бирорта ҳам бола ғайриқонуний равишда ёки ўзбошимчалик билан озодликдан маҳрум этилмаслиги, болани ҳибсга олиш, ушлаб туриш ёки қамоққа олиш қонунга мувофиқ амалга оширилиши, фақат фавқулодда чора сифатида ва мумкин қадар қисқа муддатга тайинланишининг белгиланганлиги вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда улар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш бугунги кундаги долзарб масалалардан бири ҳисобида олдинга ташланмоқда.

Биз ўз юртимизда вояга етмаганлар жиноятчилигига қарши курашиш, унинг олдини олиш, миқдорини минимал даражагача пасайтиришда профилактик чора-тадбирларнинг илмий асосларини яратиш ва бу йўналишдаги фаолиятни янада такомиллаштириш билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратар эканмиз.

Қуйидаги профилактик тадбирларни самарали амалга ошириш тизимини қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади:

Жумладан,

- мактабгача ва мактаб таълим муассасаларида вояга етмаганлар ўртасида оилага, Ватанга садоқат руҳини шакллантириш борасидаги дарс жараёнларини йўлга қўйишни;
- вояга етмаганларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишни таълим муассасаларидан бошлашни;
- инспектор психологларнинг масъулиятини янада ошириш мақсадида уларга аниқ вазифалар белгилаб беришни;
- инспектор психологларнинг ваколатларини кенгайтиришни;

- мактабгача ва мактаб таълим муассасаларида ҳуқуқбузарликларни олдини олишга қаратилган турли тадбирларни йўлга қўйишни;
- вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишдаги фаол ўқитувчи фаолиятини рағбатлантиришни;
- маҳаллаларда ёш китобхонлар тўғараклари ташкил этилиб, ҳар ойда бир маротоба маҳалла фаоллари, кўча ва уй бошчилари ҳамда ўқитувчилар иштирокидаги ҳакамлар томонидан ҳар бир маҳалла ва кўча, кўп қаватли уй кесимида баҳолаш ҳамда рағбатлантириш гуруҳларини шакллантиришни;
- таълим тизимида фаолият олиб бораётган шифокор (ҳамшираларни) масъулиятини ошириш ва штат бирликларини кенгайтириш орқали ҳар бир қиз болаларнинг турмуш тарзи ва гигиенаси ҳамда оилавий шарт-шароитларини мукамал ўрганиб бориш ҳамда эрта турмушга бериш ҳолатларни олдини олишдаги ҳамкорликни кучайтириш каби аниқ мажбуриятлар юклашни.

•вояга етмаганларга нисбатан тайинланадиган жиноий жазоларни янада либераллаштириш билан боғлиқ фикр ва ғояларни юқорида келтирилган ҳолатларни инобатга олган ҳолда тавсия этаман.

Ҳозирги кунда республикамизнинг барча вилоятларидаги муайян шароитларнинг хусусиятларини инобатга олган ҳолда вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олиш мақсадида тавсия этилаётган чора-тадбирлар жуда кўп ва хилма-хилдир. Уларнинг барчасини умумлаштириб ва таҳлил қилган ҳолда айтиш мумкинки, бугунги кунда ўқув муассасаларининг ўқувчилари ва вояга етмаган шахсларнинг ҳаётидаги мавжуд қуйидаги муаммоларнинг ҳал этилмаганлиги натижасида улар томонидан айрим жиноятлар содир этилмоқда.

#### **Жумладан:**

- **биринчидан**, бўш вақтнинг назорат қилинмаслик;
- **иккинчидан**, ишламаслик ва ўқимаслик оқибатида;
- **учинчидан**, интернет ва телефондан мақсадсиз фойдаланиш;
- **тўртинчидан**, турли химикат ва таъмаки маҳсулотларини истеъмоли;
- **бешинчидан**, жиноят оламидаги шахсларга тақлид қилишлари;
- **олтинчидан**, ота ва онанинг йўқлиги;
- **еттинчидан**, бошқа шахсларга қарамлиги.

Ушбу муаммоларнинг вужудга келиш сабаблари:

- боланинг бўш вақти ота-она ва оила аъзолари (опа, ака, сингил ёки катталар) томонидан етарли даражада назорат қилинмаслиги ёки боқувчиси йўқлиги оқибатида содир этилган. Ушбу ҳолатлар таҳлил қилинганда соат

14:00 дан 19:00 гача мактаб ўқувчиларида бўш вақтнинг юзага келиши ва бу вақтда уларнинг назоратсиз қолиши. Бу эса вояга етмаганларнинг тўғри келган шахслар билан танишишига, турли хил салбий йўналишга эга бўлган шахс ёки гуруҳ таъсирига тушиб қолишига ёки турли химикат, спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини шунчаки қизиқиш деб истеъмол қилишга ҳаракат қилишга замин яратилади;

-бола қўлига телефон бериш яхши, лекин у ўз устида мақсадли фойдаланса, аммо у ўз устида эмас аксарият ҳолларда турли жангари ўйинлар ўйнаши ёки порнографик мазмундаги фильмлар кўришини тасаввур қилинг, болада қандай эҳтиёжлар пайдо бўлишини ҳис қилиш ҳар бир ота-она ва кенг жамоанинг биринчи галдаги бажариши

лозим бўлган вазифаси ҳисобланади;

-ота-онанинг асосий вақтлари оила боқиш ва ишлаш билан шуғулла-нишга сарф қилиб, бола тарбиясига вақтининг йўқлиги ёки етишмаслиги;

-ўқувчиларнинг бўш вақтини унумли ўтказиш учун мактабларда тўғаракларнинг етарлича ташкил этилмаганлиги.

Тўғри, ҳозирги кунда мактабларда “одоб дарси” ташкил этилган. Лекин болага бир ҳафтада бир-икки соатни ташкил этувчи бу дарсда одоб бериш жуда мушкул. Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг таъбири билан айтганда: «биз ҳали ҳам болаларнинг ҳуқуқий тарбиясига етарлича эътибор бермаяпмиз. Мактаблардаги ўқув дастурларида қонунларни, ҳуқуқий тизимининг асосларини ўрганишга амалда эътибор берилмаяпти». Биз кўп ҳолларда жиноят қилиш, бир жиҳатдан, қалби нопок, нияти бузуқ кимсаларнинг салбий таъсири бўлса; иккинчи томондан, фарзандларимиз маънавий-ахлоқий жиҳатдан билимсиз, ғоявий жиҳатдан чиниқмаган эканлигининг оқибатидир, деб ҳисоблаймиз.

Натижада, болалар ўз юрти у ёқда турсин, ота-оналари бошига ҳам оғир ташвиш солмоқда. Жумладан:

-мактаб билан ота-оналар алоқасининг тўғри йўлга қўйилмаганлиги. Агар ўсмирнинг наша ёки турли химикатлар, дорилар чекаётганлиги, истеъмом қилаётганлиги бўйича шубҳа туғилса ёки бошқа ҳуқуқбузарлик содир этган бўлса, бу ҳолат ўз исботини топса, ота-онаси чақиртирилиб, мазкур нохушлик билдирилса, қандай жавоб бўлишини тасаввур этиб кўринг? Ота ёки онанинг аксари “Огоҳлантирганингиз учун раҳмат”, демайди, аксинча “Бу бола менинг болам, нуқул ёмонлайсиз”, деб жанжал кўтаради ;

-ўқитувчиларни ота-оналарга боласи ҳақида билдирилган танқидларини тўғри қабул қилмасдан уларга нисбатан содир этилаётган безориликлар;

-боланинг носоғлом оилада тарбия топиши. Мактабда “сўқиниш ёмон иллат” дейилса-ю, уйда отанинг тили сўқинишдан бўшамаса. Бола қайси тарбияни олади?;

-маҳалла ҳуқуқ тартибод маскани ёки таянч пунктлари ҳудудида ташкил этилган спорт майдончаларига вояга етмаганларни жалб этиш бугунги кун талаби асосида эмаслиги;

-вояга етмаганлар билан ишлаётган ходимлар, инспектор психологлар, ҳоким ёрдамчилари, маҳалла ёшлар етакчилари, маҳалла, спорт соҳаси мураббийларининг кундалик машаққатли ишга қобилиятсизлиги ёки астойдил ишлашни истамаслиги;

-боланинг жинойий гуруҳлар билан бевосита алоқада бўлиши ёки муайян шароитларда бундай гуруҳ аъзоларининг болага таъсири.

Мазкур муаммоларни бартараф этиш мақсадида қуйидаги профилактика тадбирларини амалга ошириш лозим.

-ёшларнинг бўш вақтини тўғри ташкил этиш мақсадида маҳаллий ҳокимият органлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари, ҳоким ёрдамчилари, ёшлар етакчилари, инспектор психологлар, шунингдек ўқув муассасалари билан ҳамкорликни кенг йўлга қўйиш;

-оммавий ахборот воситалари кўмагидан фойдаланган ҳолда вояга етмаганлар жиноятчилигини олдини олиш бўйича тарғибот ва ташвиқот ишларини янада такомиллаштириш;

-қаровсиз қолган вояга етмаганларни аниқлаш ва уларга тегишли ёрдамларни беришда бошқа соҳа ва давлат идораларининг масъул ходимлари билан ҳамкорликни

кенг йўлга қўйиш;

-фарзандлар тарбиясига етарлича эътибор бермаётган ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар билан ҳуқуқий суҳбатлар ўтказиш;

-она-онаси йўқ қаровсиз қолган вояга етмаганларни турмуш тарзини ўрганиб бориш ва назоратга олиш;

-спиртли ичимлик ва таъмаки махсулотлари билан боғлиқ савдо фаолияти билан шуғулланаётган вояга етмаганларни аниқлаш ҳамда бундай ҳолатларни олдини олиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш;

-балоғат ёшига етмаган шахсларга диний идора вакиллари ва кўча ҳамда уй бошчилар, отинойилар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликда тарбия ўчоғини очмоқ, унда яхши, ёмон, ҳалол, харом ва инсоф, ор-номус, ака-ука ҳамда маҳалладошлар ва бошқа фуқаролар билан бўлган мулоқотларни ва Ватанни севишни ўргатишда кўмаклашиш;

-ёшлар ижтимоий ҳаётимизда юз бераётган ўзгаришларни тўла англай олмайдиган демографик гуруҳ эканлигини инобатга олган ҳолда уларга ҳуқуқий онг, ҳуқуқий билим, қонунларга риоя қилиш хислатларини уйғотадиган ҳуқуқий тарбия беришни янада кучайтириш;

-маҳаллаларда турли спорт тадбирларини ўтказишда кўмаклашиш;

-ёшлар ва болалар ўртасида китобхонликни ривожлантириш билан боғлиқ тадбирларда қатнашиш ҳамда рағбатлантириб бориш билан боғлиқ фаолиятни йўлга қўйиш;

-сартарошхоналарда ва маиший хизмат дўконларда кутубхоналарни ташкил этиш ҳамда яхши китоб ўқиган болаларга текин сочларини олиш билан боғлиқ амалий ёрдамлар кўрсатиш мақсадида секторлар даражасига ушбу масалаларни олиб чиқиш ва бошқа тадбирлардан иборат.

Ёшлар ва болалар тарбиясида маҳалланинг ҳам ўрни беқиёс. Бу борада ҳар бир маҳалаларда гуруҳлар тузилиб, унга кўча ва уй бошчилари ҳамда ҳаж ва умра сафарига боровчи ва бориб келган фаол фуқароларимиз томонидан, болалар онгига биз кимларнинг авлодлари эканлигимизни яна, яна қатъият билан такрорлаш ва болалар ҳамда ёшлар онгига жиноятчилик, хусусан гиёҳвандликнинг зарарини сингдиришда миллий қадриятларимизни сарчашмаси бўлмиш шариат нормаларини ҳам тушунтиришимиз лозим. Пайғамбар алайҳиссалом “Ҳар бир маст қилувчи нарса ҳаром”, дейдилар. (Имом Муслим ривояти). Яна бир ҳадиси шарифда огоҳлантирадиларки: “Ҳар ким ўзини ўзи заҳар билан ўлдирса, қиёмат куни жаҳаннам ўти билан азобланади” (Имом Термизий ривояти).

Холбуки, азалдан вояга етмаганлар жиноятчилигини олдини олишда таълим ва тарбия муҳим аҳамият касб этган.

Албатта бизларга боболаримиз томонидан қолдирилган буюк хикматлар ва тавсияларга амал қилишни ёшлар онгига сингдириш ва ал-Бухорий бобомизнинг ҳадисларини мазмунини тушунтириб берсак, Юртбошимиз айтганларидек, биз дунёда яна мовий порлоқ юқори даражаларга чиқамиз...